

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг 2024 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисида ҳисоботи

Банкнинг умумий капитали **4 295,5 млрд. сўм**ни ташкил этди
(йил бошига нисбатан **35,1%** га ортган).

Устав капитали **5 200,5 млрд. сўм**ни, банкнинг активлари
32 133,4 млрд. сўмни ташкил этди (йил бошига нисбатан **18,7%** га
ўсган).

Даромад келтирувчи активлар **26 802,1 млрд. сўм**ни (йил
бошига нисбатан **12,8%** га ўсган), шундан:

- банклараро депозитлар **3 385,3 млрд. сўм**,

- жами кредит қўйилмалар **21 171,0 млрд. сўм**,

- инвестициялар **493,3 млрд. сўм**ни ва бунда даромад
келтирувчи активларнинг жами активлардаги улуши **83,4%** ни
ташкил қилди.

Депозитлар миқдори **14,3%** ўсиб, **10 764,9 млрд. сўм**ни
ташкил этди, шундан қисқа муддатли **1 690,1 млрд. сўм**, узоқ
муддатли **9 074,8 млрд. сўм**дан иборатдир.

2024 йил якуни билан банк томонидан **112,3 млн. АҚШ**
доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари маблағлари
жалб қилинди ва йиллик прогноз кўрсаткичи **132%**га
бажарилди.

Банкнинг жами мижозлар сони – **1 303 515** та, шундан
жисмоний шахслар – **1 222 333** та, юридик шахслар - **81 182** тага
етди.

Банк томонидан **7,0 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратилди.

**“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ «Кичик бизнесни
узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс Дастурини амалга
оширишда асосий таянч банк сифатида белгиланган.**

Бизнесни ривожлантириш банки таркибида “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда **14 та “Кичик бизнесга кўмаклашиш марказ”**лари ташкил этилди.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан тадбиркорлар учун махсус ўқув курслари ташкил этилиб, тадбиркорларни назарий ва амалий билимлари оширилди.

Кичик бизнесни молиялаштириш ҳамда кўрсатиладиган молиявий хизматларни рақамлаштириш, ходимлар малакасини ошириш бўйича **Россиянинг Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш федерал корпорацияси** ва **“МСП Банк”** билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбиркорлар учун **10 турдаги** янги молиявий инструментлар жорий қилинди.

Тадбиркорлар учун молиявий хизматлар ва консалтинг хизматларини ўз ичига олган **“Biznes-portal.uz”** ишга туширилди, шунингдек, амалий ўқув курсларида олган билимларини адолатли баҳолашнинг **автоматлаштирилган тизими** жорий этилди.

Тадбиркорларни ўқитиш жараёнларига маҳаллий ва хорижий экспертлар, жумладан Япониянинг Ямагата Университети профессорлари ҳамда USAID халқаро ташкилоти экспертлари жалб қилинди.

Япониянинг Ямагата университети **8 нафар** профессорлари томонидан **17 та** видеодарсликлардан иборат **“U-НОРЕ” дастури**, маҳаллий экспертлар томонидан **100 та** намунавий бизнес лойиҳалар, **40 та** кейслар, **63 та** бизнес йўналишлари бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

ПҚ-306-сонли қарор доирасида бугунги кунга қадар **49 160 та** кичик тадбиркорлик субъектларига **4,8 трлн. сўм**лик, шу жумладан БРБ томонидан **17 676 та** хўжалик юритувчи субъектларга **1,7 трлн. сўм** ва ПҚ-312-сонли қарор асосида **1 421 та** тадбиркорларга **151,0 млрд. сўм** миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб келаётган тадбиркорлар иштирокида “**Республика Маҳаллалар уюшма**”си билан ҳамкорликда **9 446 та** маҳаллада “**Маҳалла тараққиёти учун энг яхши бизнес лойиҳа**” Республика кўрик танлови ўтказилди.

Ямагата университетининг мутахассислари ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан **24 нафар** менторлар 2024 йил **октябрь** ойида Япония давлатида малакасини ошириб, ҳалқаро сертификатга эга бўлди.

Менторлар билан Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан ҳар бир менторга томонидан **10-20 нафардан** жами **300 нафар** тренерларни тайёрлаш мажбурияти юклатилди.

Барча менторлар томонидан ўқув дастурлари ва ўқитиш режа графиклари ишлаб чиқилиб, 2024 йилнинг **18 ноябридан** бошлаб барча ҳудудларда тренерларни ўқитиш жараёнлари бошлаб юборилди.